



# ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ ҲАЁТ МАЗМУНИ ВА ИНТУИТИВ БИЛИШНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ

ИСКАНДАРОВ Жаҳонгир Шарипович

Ташкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил тадқиқотчиси



<https://doi.org/10.24412/2181-2993-2023-3-68-81>

## АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада интуиция ва унинг фалсафий талқинлари билан боғлиқ қарашлар қиёсий очиб берилган. Шунингдек, интуитивлик ва интуитив билишининг умумий методологик муаммолари, интуитив билиши обьектнинг хилма-хил хусусиятларини акс эттириши жараёнини ўз ичига олиши ҳамда интуитив билиши нафақат гаримантиқий балки мантиқий фикр-мулоҳазаларни амалга оширилиши илмий нуқтаи-назардан асосланган.

**Калим сўзлар:** интуиция, интуитивлик, интуитив билиши, ижод, тафаккур, диний туйгу, интуитив тафаккур, фикрлаш жараёни, кашфиёт.

## ABSTRACT

This article comparatively reveals the views associated with intuition and its philosophical interpretations. Also based from a scientific point of view are the general methodological problems of intuition and intuitive cognition, the fact that intuitive cognition includes the process of reflecting various properties of an object, as well as the fact that intuitive cognition is not only mathematical, but also logical reasoning.

**Key words:** intuition, intuitiveness, intuitive cognition, creativity, thinking, religious feeling, intuitive thinking, thought process, discovery.

## АННОТАЦИЯ

В данной статье сравнительно раскрываются взгляды, связанные с интуицией и ее философскими интерпретациями. Также с научной точки зрения базируются общие методологические проблемы интуиции и интуитивного познания, тот факт, что интуитивное познание включает в себя процесс отражения различных свойств объекта, а также то, что интуитивное познание представляет собой не только математическое, но и логическое рассуждение.

**Ключевые слова:** интуиция, интуитивность, интуитивное познание, творчество, мышление, религиозное чувство, интуитивное мышление, мыслительный процесс, открытие.

## КИРИШ (Introduction)

Ҳар бир инсон олдида ҳаёт мазмуни тўғрисидаги масала у ёки бу шаклда кескинлик ва муаммолиликнинг турли даражасида намоён бўлади. Ўз ҳаётини мазмун билан тўлдириш инсонга хос бўлган хусусиятдир. У ўз ҳаёт фаолияти йўналтирилган мақсадга эга бўлишга мойилдир. Ўзининг мангу эмаслигини, ўлишини англаган инсон қандайдир мангуликка ошно бўлгиси келади ва жамиятдаги ўз ўрнини излайди, ўз ҳаётининг қимматини қўтаришга интилади. Инсоннинг ҳаётида, шунингдек у мансуб бўлган жамоа, жамиятда кескин ўзгаришлар юз берганда, ҳаётнинг мазмуни тўғрисидаги масала янада кескинроқ намоён бўлади. Илгари ўзгармас бўлиб туюладиган ҳаётий қадриятлар издан чиқаётган, бозор муносабатлари мафкураси эса буларнинг ўрни боса оладиган муқобилликларни жадал топиб беришга қодир бўлмаган бугунги кунда мамлакатда, хусусан ички ишлар тизимида ҳам ана шундай вазият кўзга ташланмоқда. Ҳаёт мазмуни тўғрисидаги масала кундан кунга ижтимоий фикрни қамраб олаётгани ва файласуфларнинг эътиборини тортаётгани бежиз эмас.

Ҳаёт мазмуни тушунчасининг инсон турмуш шароитларига боғлиқлиги ҳаёт мазмуни муаммосини инсон яшаётган ҳаётий, хизмат, турмуш шароитлари билан белгиланган ҳолда кўриб чиқишини тақазо этувчи услубий мулоҳаза бўлиб, инсоннинг тарбияси, билими унинг ҳаётий қарашлари ва феъл атвори шаклланиши юқоридаги шароитларга боғлиқдир. Шу билан биргаликда ҳаёт мазмунининг шаклланган илмий тушунчаси инсонга ҳар қандай вазиятда маънавий қарашларни сақлаб қолишга имкон беради.

Инсонни, унинг ривожланишини ижтимоий тараққиёт мақсади сифатида кўриб чиқиши, шахс манфаатлари ва жамият ривожлари манфаатларини инсонпарвар, маънавий асосда таққослашга имкон беради. Ушбу услубий мулоҳаза ҳаёт мазмунини инсон ҳаётининг изидан, шахснинг ижодий имкониятлари доимо ривожланиши ва такомиллашувидан излашни тақазо этади. Шу боисдан ҳам А.М.Коршунов “Ижод бу субъектнинг обьект билан фаол ўзаро ҳаракатидир. Бу жараёнда субъект мақсадга йўналтирилган ҳолда атроф-оламни ўзгартириб, объектив қонуниятлар талабига кўра янги, ижтимоий аҳамиятдаги оламни яратади. Атроф-оламга таъсир қилиб, субъект ўз-ўзини ҳам ўзгартиради”[1;383], - деб ёзади.

Ҳар бир инсон нафақат ўз ҳаётини, ўзининг ундаги ўрнини мулоҳазадан ўтказибгина қолмасдан, ҳаётий тараққиётнинг ҳар бир лаҳзасини хиссий тарзда бошдан кечиради. Шунинг учун ҳаёт мазмунидаги рационаллик ва ҳиссийлик шахснинг руҳий, маънавий оламидаги уйғунлик шароитларини очиб беришга

имкон яратувчи услубий мулоҳазадир. Инсон ҳаётини мазмуни унинг баҳт саодатига таққослаган ҳолда кўриб чиқилиш бир қонуниятдир. Баҳт дейилганда қоникиш, шодлик, роҳат-фароғат ҳиссиётлари назарда тутилади. Ҳаёт мазмуни категориясида patsionallik – баҳолаш жиҳати устивордир. Инсонда patsionallik ва ҳиссийлик ўзаро бир бирига боғлиқ ва ўзаро бир биридан келиб чиқади, бундай ёндашув ҳақиқатни излашда бир томонламалиқдан қочишга имкон беради.

Дунёдаги нарсаларнинг хилма –хиллиги, уларнинг ўзгариб туриши оламнинг ташқи томондан кўриниши, холос. Юнон файласуфи Эмпедокл таълимоти мисолида кўриш мумкин. У оламнинг асосида тўртта унсур – олов, ҳаво, сув ва тупроқ ётади, деб ҳисоблаган. Унинг бутунлиги, яхлитлиги ана шу унсурларнинг ўзаро бирикиши натижасида ҳосил бўлади[2;59]. Бизга маълумки, одам организмидаги тўрт унсур унинг руҳиятидаги тўрт темпераментга боғлиқ. Шу боис уни даволашда тана ва руҳияти яхлит ҳолда ўрганилиши керак, деган мулоҳазага келамиз. Бизнинг назаримизда, билиш жараёнида patsional ва irrpatsional тафаккурнинг яхлитлигидагина муаммога ечим топилади ва бу жараёнда интуитив тафаккур ўз ифодасини топади. Интуиция тиббиёт муаммоларга ечим топишда уларга яхлит ва тизимли ёндошади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шахноза Қахҳорова экологик инқирозни табиат ва жамият орасидаги мувозанатнинг бузилиши тарзида изоҳлайди[3;12]. Бизнинг фикримизча, бу инқироз экзистенциалистлар назаридаги “бегоналашув жараёни”нинг яққол ифодасидир. Мулоҳазага келсак, юқоридаги икки инқирозда ҳам биз бутуннинг қисмларга ажralиши ҳолатини қўзатишимиз мумкин. Бизнинг талқинимизда, инсон том маънода табиат ва жамият маҳсули, у жамият ҳам табиатнинг бир бўлаги ҳисобланади. Айни пайтда, экологик инқироз жамият, табиат ва инсоннинг инқирозидир. Шундай экан, инсон жамият ва табиат билан ҳамнафас бўлиши, табиатдан оқилона фойдалана олиши мақсадга мувофик, деб ҳисоблаймиз.

Антропологик инқироз юқоридаги инқирозларнинг сабабчиси сифатида намоён бўлади. Шунингдек, у ўз ичига демографик инқироз, ахлоқий инқироз, қадриятлар инқирози, оила инқирози, маънавий инқироз, таълим тарбия инқирозини қамраб олади. Аслида инқирозларнинг барчаси инсон тафаккури ва келажакни ўйламай қилган ҳатти ҳаракати туфайли содир бўлади. Бизнинг талқинимизда, инқирозларнинг яна бир муҳим сабабчиси бугунни ўйлаб иш

битирадиган ва мавжуд қонун қоидаларига риоя қиласидиган ратсіонал тафаккур эгаларидир. Улар атроф муҳитта, жамиятта ва ўзларига фақат ақл нұқтаи назаридан, бир ёқламаликка асосланған ҳолда ёндошади. Бу эса инсонда ўз манфаати ва мақсади йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган шафқатсиз туйғуларни шакллантиради. Айни пайтда бир ёқлама ёндошув бутуннинг қисмларга ажралишига ва унинг парчаланишига олиб келади. Шу боис ирратсіонал тафаккур вакиллари инсондаги рухият билан боғлик бўлган ҳолатларни юқори ўринга қўйишади ва бу билан улар ҳам бир ёқламалик ҳатосига йўл қўйишади. Бизга маълумки, “дин” инсон онгига ва қалбига бевосита таъсир кўрсата оладиган кучли восита. Бироқ диндан усталик билан фойланана оладиган манфур кимсалар жамият яхлитлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши бизга сир эмас. Бизнинг талқинимизда, инсон тафаккури ратсіонал ва ирратсіонал яхлитликка асосланғандагина учраши мумкин бўлган ҳар қандай муаммога ечим топа олиши мумкин.

Ҳаёт мазмунини илмий тушуниш ҳам инсон ҳам жамият учун объектив қийматга эга бўлган натижаларга амалда олиб келиши мумкин бўлган стратегияни ишлаб чиқищдан иборат бўлиши лозим. Замонавий шароитда ички ишлар тизими мутахассисларга янги талаблар қўйилади, чунки айнан уларга кўпинча янги ғояларни амалда татбиқ этишини таъминлашлари учун ностандарт вазифаларни ҳал қилиш мажбурияти юклатилади. Бу жараён ички ишлар тизими мутахассисларда қизиқувчанлик, ўзига хос ғайратлилик, таваккалчилик қобилияти, янги ғояларга сезгирлик ва фикрлашнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шу боисдан ҳам Л.Ш.Багдасарян “Инсон билиш фаолиятидаги интуициянинг турли шаклларининг хусусиятларини қуидаги таснифда кўрсатиш мумкин: 1) у қўлланилаётган ахборотнинг хусусиятига кўра конкрет ёки мавҳум сезги фарқланади, 2) мурожаат қилишга кўра ирратсіонал тажриба, ҳис-туйғуларга ёки интуитив ечимни олиш жараёнида оқилона фикрлашга, сезги мистик (ўта сезгир ва суперинтеллектуал), ҳиссий ёки интеллектуал бўлиши мумкин, 3) янгилик мезонига кўра, сезги эвристик ёки стандартлаштирилган кўринади, 4) касбий қўллаш соҳасига кўра, сезги математик, лингвистик ва бошқалар бўлиши мумкин”[4;25] деб таъкидлайди.

## МУХОКАМА (Discussion)

Ички ишлар ходимларида бундай ижодкорлик фазилатларни тарбиялаш ва умуман ўкув жараёнининг самарадорлигини ошириш учун қуидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур: 1) ички ишлар тизими мутахассисда интуитив билишни ривожлантириш; 2) ички ишлар тизими кадрларда табиий-илмий

дунёқарашни шакллантирган ўқув жараёнининг мотиватсиясига эришиш. Бугунги кунда маълум бир фанни ўрганадиган ички ишлар ходимлари, кўпинча унинг амалий аҳамиятини, унинг мафкуравий ролини етарли даражада тасаввур қилполмайди. Шу сабабли, ички ишлар ходимларида табиий-илмий дунёқарашни шакллантириш келажакдаги нафақат юқори ихтисослашган йўналишларда, балки доимий равишда юзага келадиган жиддий экологик муаммоларни тўғри ҳал қилишга имкон беради. Бундай ёндашув жанговар тайёргарлик масаласи билан ўзаро алоқадорликка эга.

Ички ишлар тизими хизматга нисбатан, инсон ҳаёт мазмунини илмий тушунишни аниқлаштирган ҳолда, зобитнинг ҳаёт мазмуни маънавий, шуурий, касбий ва жисмоний ўз ўзини такомиллаштириш, унинг шахсий бекиёслигига, ер юзидан тинчликни сақлаш, тажаввузкорликнинг олдини олиш халқнинг тинч меҳнатини ишончли тарзда қурол билан ҳимоя қилишни таъминлаш борасида ҳаётний, хизмат йўлини ҳар бир босқичидаги салоҳиятлари ва яратувчанлик имкониятлари бирлигидан иборатдир деб айтиш мумкин. Зобитнинг ҳаёт мазмуни у қанчалик турли туман бўлмасин ўз моҳиятига кўра оддий фуқаро мазмунидан фарқли бўлолмайди. Шу боис шахс ҳаёт мазмунининг барча моҳиятли унсурларини зобит ҳаётига ҳам бевосита жорий қилиш учун барча асослар мавжуддир. Бу унсурлар барча учун умумийдир. Бироқ ҳар бир инсон ҳаётда мавҳум тарзда эмас, балки, муаяян фаолият жараёнида ўз ўзини намоён этади. Шундан келиб чиқсан ҳолда зобит ҳаёт мазмунини бевосита ташкил этувчи таркибий қисмлар ички ишлар тизими фаолият соҳасидаги инсон ҳаёти мазмунини маъно билан тўлдиришнинг ўзига хосликларидан келиб чиқади.

Ички ишлар тизими хизматнинг ўзига хослиги шахсдан доимий ички ишлар тизими-техник такомиллашувни руҳий ва жисмоний чиниқишини, оғир меҳнатнинг доимий босимига чидашни тақазо этади. Шу билан бир қаторда мустақиллик, яратувчанлик, қарорлар қабул қилишда бир қолипда турмаслик зарурати, кишилар билан мунтазам ишлаш зобитнинг шахсий бекиёслигини намоён этиш ва амалга оширишга имкон беради. Бироқ, давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Айни вактда, айтиш жоизки, қўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, ички ишлар тизими кадрларни тайёрлаш тизими замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди. ички ишлар тизими ўқув юртларида замонавий шарт-шароитларни хўжакўрсинга яратганимиз йўқ. ...Аксинча, ички ишлар ходимлариимиз ва тингловчиларимиз таълим соҳасида энг илгор, инноватсияни билим ва кўникмаларга эга бўлиши зарур. Мана, бизнинг асосий мақсадимиз»[5;3].

Ички ишлар тизими хизмат шароитлари инсоннинг маънавий, касбий, ички ишлар тизими тикланиши вақтини имкон қадар “ихчамлаштириб” қўяди. Шу тарзда унинг ўз ўзини намоён этишни ўзида мавжуд қилган яширин салоҳиятларини амалга ошириш жараёнини жадаллаштириб юборади. Шу билан бир қаторда кундалик ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасида: оилада, спорт майдонида, ховлида, театрда ва бошқа жойларда ўзини шахс сифатида намоён этади. У ҳам бошқа ҳар қандай касбдаги кишилар сингари кечинмаларнинг умуминсоний қадриятларига эга. Бу энг аввало санъат асарларидан завқланиш, атроф оламни маънавий англаш имкониятларидир. Шундай қилиб, ҳаётий қадриятларнинг (яратувчанлик, ижодкорлик, кечинмалар, муносабатлар) зобит ҳаёт мазмунининг маъносини ташкил этади. Унинг касбидаги тилга олинган ўзига хосликлар ҳаёт мазмунини ички ишлар тизими хизматта бағишлишда ҳаёт мазмунига эга бўлишнинг объектив имкониятлари мавжудлигидан дарак бермоқда.

Инсоннинг дунёқараш омиллари унинг ҳатти ҳаракатини муҳим белгиси бўлиб, бу дунёқараш турлича қарашларнинг анча кенг қирраларини ўз ичига олади. Бироқ дунёқараш тузилмасидаги барча қарашлар ҳам бир хил тарзда инсоннинг ҳатти ҳаракати ва унинг маънавий ҳаётий ёндашуи билан боғлиқ бўлавермайди. Барча дунёқарашлар орасида инсоннинг ҳаёт мазмунини тушуниши энг фаол рол ўйнайди. Бу роль ҳаёт мазмунига инсоннинг қарашларига шахснинг шахсий манфаатлари билан киритилганлиги билан белгиланади. Шу боис зобитнинг ўзи ҳаёт мазмунини ташкил этувчи мақсадларни амалга оширишдан манфаатдордир. У бунга ички эҳтиёжни хис этади. Дунёқарашлар тузилмасида ҳаётга ёндашув шахснинг маънавий ёндашув билан бевосита боғлиқ бўлган энг юқори бўғиндир. У ёки бу муайян вазиятда ҳаёт мазмунининг илк сабабини объективлаштириш механизмида мақсадни белгиловчи аниқ асос бўлиб янги тузилма кўрсатмага айланади. Ҳаёт мазмунини тушуниш, амалга оширилган мазмунининг (фаолият натижаларининг) идеал намунаси бўлиб, маънавий ғоялар эса ушбу натижани берувчи ҳатти ҳаракатнинг идеал намунаси бўлиб, маънавий ҳатти ҳаракат (қилмиш) эса натижанинг ҳақиқий бевосита сабаби бўлиб юзага чиқади.

Ҳаёт мазмунини илмий тушунадиган зобит учун унинг фаолиятининг маънавий натижаси ҳаётнинг асл қадрияти билан таққосланадиган қадриятга айланади. Ушбу холатда фақат қасамёдда ёки низомда кўрсатилгани учунгина эмас, балки бундай ёндашув ҳаётний эҳтиёж бўлгани учун барча нарсага маънавий ёндашади. Шундай қилиб, ўз моҳиятига қўра маънавий бўлган ҳаёт мазмунини илмий тушуниш, зобитнинг ростгўйлик, жасурлик, интизомлийлик,



Ватанга садоқат, ички ишлар тизимича ўртоқлик, ёрдам кўрсатишга ҳозирлик сингари фазилатлари яққол кўзга ташланади. Мазкур ҳолатда зобит бошқача ҳаракат қилолмайди, чунки, маънавиятсиз қилмий инсоннинг асосий қадрияти - ҳаёт мазмунига таҳдиддир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар тизимида интуитив билиш ички ишлар ходимларини тайёрлаш ва ўқитишнинг янги ижодий қонунларини ўрганиш ва амалга оширишда, офицерларни тайёрлашда алоҳида ўрин тутади. Шу боисдан ҳам интуитив билиш бир қатор диалектик хусусиятларга эга.

Интуитив билиш - бу ички ишлар тизими ижодий изланишларнинг фундаментал асослари ва қонунларини, ички ишлар ходимлари ва ички ишлар тизими жамоаларни илмий салоҳиятини юксалтирувчи муҳим омил ҳисобланади. Интуитив билишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у ички ишлар ходимларида ҳақиқий ижодий-жанговар вазифаларни ҳал қилишга хизмат қиласди. Интуитив билишни юксалтириш вазифаларини ўз вақтида ҳал этиш, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишларининг жанговар кучини кучайтириш манфаатларида инсон омилини фаоллаштиришнинг янги усул ва воситаларини излашга имкон беради. Ички ишлар ходимлари орасида замонавий илмий-ижодий тафаккурни шакллантириш, функционал ва ўкув вазифаларини сифатли бажариш, ички ишлар тизими жамоада конун, ҳукуқтарни тартибот ва ички ишлар тизими интизомни ўрнатиш учун ўзига хос ижодий муҳит, ҳамжиҳатлик, ўзаро талабчанлик ва шахсий жавобгарлик муҳитини яратишга замин яратади.

## НАТИЖАЛАР (Results)

Интуитив билиш эгаси асосан қуйидаги хислатлари билан алоҳида ажralиб туради:

1. Перцептив хусусиятлар (гаройиб маъно-мазмунга эга бўлган дикқатнинг жамланиши, таъсирчанлик, кўнгилчанлик), интеллектуал хусусиятлар (интуиция, фантазия, ўйлаб чиқариш, олдиндан кўриш қобилияти, кенг дунёқарашиб), ҳарактерли хусусиятлар (бир қолипда ишламаслик, оригиналлик, қунт, юқори даражадаги ўз-ўзини ташкиллаштириш ва меҳнатга лаёқатлилик) (Я.А.Пономарев)[6;480];

2. Билиш мотивatsиясининг доминантли ўрни, тадқиқий ижодий фаоллик, субъектнинг янгиликни топишга бўлган қобилиятида ва муаммоларни ечишдаги ўзига хосликда намоён бўлади. Масалан, оригинал ечимларни топиш ва прогнозлаш эҳтимоллиги, юқори баҳоларни таъминлайдиган эстетик,

ахлоқий ва интеллектуал идеаллар эталонларини яратиш қобилияти ва бошқалар шулар жумласидандир (А.М.Матюшкин)[7;718];

3. Ўзида ақлий ва мотивatsіон омилларни интегратсія қилувчи интеллектуал фаоллик (Д.Б.Богоявленская)[8;127];

4. Муаммони топишдаги зүкколик, мулоҳазаларнинг узун занжирини яхлитлаш қобилияти, “четдан қарааш”га лаёқатлилик, таъсирланишининг мақсадлилиги, хотиранинг тайёрлиги, фикрлаш эгилувчанлиги, баҳолаш қобилияти, ғояларни ҳаётга осон татбиқ қилиш, қўшимча ишланма беришга лаёқат, осонгина яхлитлаш, юмор ҳиссининг мавжудлиги (А.Н. Лук)[9;127];

5. Юқори ижодий қобилият ва мотивatsіон-ижодий фаолликнинг органик бирлиги (В.И.Андреев)[10;207];

6. Оддий ҳодисалар доирасидан чиқувчи, аммо табиат қонунларига зид бўлмаган ҳаракатларни амалга ошириш, келажакда бўладиган нарсани ҳис қилиш, бой фантазия ва интуиция, янгилик ва ноёб нарсаларга катта қизиқиш (П.Торренс)[11;172];

7. Мустақиллик, таваккал қилишга мойиллик, фаоллик, қизиқувчанлик, мавжуд нарсага қониқмаслик, қарор қабул қилишга тайёргарлик, эътироф этилишга интилиш, ички мотивatsія, ўсишга тайёрлик (К.Тейлор, Э.Роу)[12;172];

8. Оламдаги нарса ва ҳодисалар табиатидаги муқобилларни кўра билиш ва шакллантириш, фантазияни ифодалай олиш, савол бера олиш ва юзаки изоҳлардан қочиши, қунт, мустақил позиция, таваккалга тайёргарлик, ўрганилаётган муаммога катта қизиқиш (А.Матейко)[13;300];

9. Ўз-ўзини шакллантириш, юксалтиришга интилиш, қилаётган ишини бурч деб билиш, шахснинг аутентиклиги, ўз кучига ишонч, юқори даражадаги танқидийлик ва рефлексия (А.Маслоу)[14;478].

Интуитив билиш муаммоларини ҳал қилишда ижодкорлик ички ишлар ходими касби таълими самарадорлигини оширишга имкон берадиган алоҳида масаладир. Бу жараён қуйидаги бир неча босқичларни ўз ичига олади: 1) ижодий тайёргарлик 2) ижодий англаш 3) инкубatsія даври 4) ижодий юксаклик. Ушбу ижодий босқичнинг барчасини ҳар қандай касбий фаолият соҳасида самарали қўллаш мумкин, чунки бу босқич ҳар доим муаммони ўз вақтида ҳал қилишда устувор аҳамият касб этади. Шундай қилиб, ёш ички ишлар тизими мутахассис фаолиятининг ҳар қандай соҳаларида келгусида мустақил илмий тадқиқотлар олиб бориш учун ижодий алгоритмни ишлаб чиқиши муҳим ўринни эгаллайди. Бу босқичлар қуйидагилардан иборат:

Тренинг. Бу ижодий режалаштириш босқичидир. Унда назарий маълумотлар йигилади, муаммо аниқ шакллантирилади ва тадқиқот натижалари тўғрисида илмий-ижодий тахминлар ишлаб чиқилади. Ушбу босқичда аниқ ратсионал мақсадлар белгиланади ва натижалар аниқланади. Шунингдек, тадқиқот олиб боришининг тўғри йўналиши танланади, зарур воситаларнинг мавжудлиги текширилади ва тажриба стратегияси ишлаб чиқилади.

Тушкунлик ижодий англаш ва лаззатланиш босқичи. Ушбу босқич ички ишлар тизими мутахассисдаги умидсизликка тушиш, ўз қобилиятига нисбатан ишончсизликни бартараф этиш устувор ўринни эгаллайди. Агар бу босқичда устоз тўсиқни енгиб ўтишнинг йўлини кўрсатмаса ёки унинг ўз қобилиятига бўлган ишончни илҳомлантирмаса кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам бу жараёнда ижод лаззатини ҳис қилиш ва англаш муҳим аҳамият касб этади.

Инкубатсия даври. Муаммони ҳал қилишда қийинчиликларга дуч келганингиздан сўнг, уни ҳал қилишни бироз вақтга кечикиришингиз, ички ишлар ходимларининг диққат эътиборини бошқа масалаларга ўзгартиришингиз керак.

Ижодий юксаклик босқичи. Бу онгдан онгга ўтиш, миянинг чап ва ўнг ярим шарлари ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Ушбу босқичда инсоннинг ноёб ижодий сезги қобилияти устувор ўринни эгаллайди. Бу интуитив ечимлар нафақат самарали, балки ижодий юксакликка интилишга ҳам ёрдам беради. Бу босқичда инсон ўз тахминларини текшириши, уларга мақбул шаклни бериши мумкин. Ўз мақсадларига эришишда ишончи комил бўлиш учун қатъий илмий, оқилона, ҳатто прагматик ёндашув зарурдир.

Назарий ва экспериментал тадқиқотлар жараёнида биз мудофаа вазирлигининг олий ўқув юртлари ички ишлар ходимларининг интуитив билишини ривожлантириш воситаси сифатида умумий гуманитар блок фанларига қўйиладиган талабларни янгилаш заруратига алоҳида эътибор қаратишимииз мақсаддага мувофиқдир[15;187].

Замонавий шароитда интуитив фикрлаш ихтисослашган ички ишлар тизими таълим муассасаларида ички ишлар ходимларининг асосий мақсад ва вазифаларига айлантириш долзарб аҳамиятга эга. Умумий гуманитар фанлар блокининг ўқув материали асосида ички ишлар ходимларида интуитив фикрлаш қобилиятини ривожлантириш жуда муҳимдир, чунки бугунги ички ишлар ходимлари ва эртанги кун ички ишлар тизими қисмлари ички ишлар ходимларининг шахсий ва индивидуал хусусиятларини шакллантириш ушбу

муаммони ҳал қилишга чамбарчас боғлиқ. Интуитив билиш ҳар бир инсоннинг ўзига хос шахсий мулки ва у ўқув жараёнида янада ривожлантирилиб боради. Шу муносабат билан, умумий гуманитар цикл фанлари ўқув материалларидан фойдаланишинг ўзига хослиги ва интуитив билиш хусусиятлари билан уйғунликда ривожланишини кузатишимиш мумкин. Ички ишлар тизими таълим муассасаларида ходимларнинг интуитив билишини ривожланиши ўқув материалини танлаш мезонлари ва тамойилларини янги талаблар асосида қайдаражада ишлаб чиқилганлиги ва ундан оқилона фойдаланиш шартлари билан характерланади.

Ички ишлар ходимларини ижодий ривожланиш даражаларига кўра интеллектуал, мотивatsion, ихтиёрий, мавзуйй-амалий ва ҳиссий соҳаларга бўлинади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, интуитив фикрлаш қобилиятига эга бўлмаган ички ишлар ходимлари паст даражада натижалар кўрсатади: бундай ички ишлар ходимлари репродуктив фаолиятни афзал кўрадилар, ақлий фаолиятнинг табиати бўйича, конвергент фикрлаш устунлик қиласи, ўз-ўзини хурмат қилиш даражаси паст, ташвишланиш даражаси юқори, бошқалар билан алоқа қилиш қобилияти суст бўлади.

Ўртacha ижодкорлик даражасидаги ички ишлар ходимларида эса ишлаб чиқаришнинг ақлий фаолиятини афзал кўрган, ўзини ўзи паст баҳолайдиган, хавотирнинг ўртacha даражасига мойил ва бошқалар билан алоқа қилиш қобилияти вазиятга қараб намоён бўладиган шахс қиёфаси акс этади. Бизнинг фикримизча, интеллектуал ва ижодий фаолиятнинг самарадорлиги бевосита режалаштириш, мувофиқлаштириш, ўзини ўзи бошқариш, ижодий фаолият натижаларини мустақил таҳлил қилиш қўнималарига боғлиқ.

Ички ишлар тизими таълим муассасаларида интеллектуал ва ижодий фаолиятнинг босқичма-босқич дастурини тайёрлаш, ижодий муаммони ҳал этишда, ривожланиш жараёнида белгиланган мақсадни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган, интегратсия ва ташкилий-амалий тамойилни амалга оширадиган ташкилий-процессуал компонент устувор аҳамият касб этади.

Ички ишларнинг инсонпарвар мақсадлари ва вазифалари инсонга ҳаётини ички ишлар тизими хизматга бағишилаган ҳолда ҳаёт мазмунига эга бўлиш имкониятини беради. Бироқ ушбу имконият юқорида тилга олинган мақсадлар ва вазифалар амалиётга тўлиқ жорий қилинса, Ички ишлар тизимининг ичидаги муносабатлар зобитга ўзининг мавжуд шуурий ижодий салоҳиятини ишга солишига имкон берса ва унинг ўзи ҳаёт мазмунини илмий тушунишни эгаси бўлсагина воқеликка айланади. Ушбу вазифа бошқарув ва тарбиялаш

субъектлари фаолияти бир неча йўналишларини амалга ошириш билан ҳал қилиниши мумкин. Бу йўналишлардан энг муҳимлари қўйидагилардир:

- Ички ишлар тизими мақсадлари ва тузилмаларини ҳаётнинг объектив талабларига мослаштириш;
- зобитнинг шахсий манфаатлари ва хизмат талабларининг имкон қадар мос келишини таъминловчи муносабатлар тизимини яратиш;
- зобитларни хизмат жойларига тақсимлашда ижтимоий адолатни амалга ошириш;
- Ички ишлар тизимини ислоҳ қилиш чоғида лозим ва мавжуд, идеаллик ва воқелик, сўз ва иш ўртасидаги жарликни камайтириш;
- ички ишлар тизими хизматда ҳаёт ва майший хизмат қўрсатиш соҳасини такомиллаштириш;
- зобитларнинг, барча хизматчиларнинг жисмоний саломатлигини мустаҳкамлаш ва хаказолар.

Ички ишлар тизими бошликлар фаолиятининг ушбу йўналишлари, зобитнинг ҳаёт мазмунига бўлган эхтиёжларини қондиришни имкон қадар таъминлайдиган ташқи муҳитни шакллантиришга шароит яратади. Айниқса, бугунги кунда давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев тўғри таъкидлаганидек, “Ички ишлар ходимларининг руҳий жиҳатдан чидамли бўлиши ҳақида гапирганда, кейинги пайтда дунёning турли минтақаларида содир бўлаётган куролли тўқнашувларда кўзга ташланаётган бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Яъни, жанговар ҳаракатлар давомида шахсий таркиб ўртасидаги йўқотишларнинг асосий қисми кучли руҳий таъсир ва зарбалар билан боғлиқ экани маълум бўлмоқда. Бундай руҳий жароҳатларни ҳатто тинч ҳаёт шароитида ҳам даволаш жуда мураккаб масаладир. Шу муносабат билан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари барча тоифадаги ички ишлар ходимларининг жисмоний ва руҳий тайёргарлиги бўйича принципиал жиҳатдан янги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиши зарур. Бу борада асосий эътиборни ички ишлар тизими-амалий масалаларни ҳал этишга йўналтириш лозим. Ички ишлар ходимлари ҳар томонлама соғлом ва чидамли бўлиши, ҳар қандай мураккаб жисмоний ва руҳий синовларга бардош бериши керак”[16;11].

Юқорида тилга олинганлардан ташқари, ҳаёт мазмунини ва буларга бўлган йўлни бевосита очиб берувчи маънавий тарбия йўналишлари муҳим роль ўйнади. Булардан энг долзарблари қўйидагилардан:

- Ички ишлар тизимининг ҳамда ички ишлар ходими қасбининг юксак мазмуни ва вазифаларини тарғиб қилиш, намойиш этиш;
- инсоннинг бекиёслиги ва ўзига хослиги қадриятларини қўрсатиш;

- шахснинг маънавий ижодий индивидуал ўзига хосликларини ривожлантиришни рағбатлантириш;
- ички ишлар тизими билим юртлари ички ишлар ходимлариидан ва зобитларидан ҳаётий истиқболарни шакллантириш;
- ўлимдан қўркишни шуурий ва руҳий бартараф этиш ва ҳоказо.

Ҳаёт мазмунини тушуниш ўз навбатида зобитни шуурий ва маънавий қадриятларни самарали тарзда яратувчи ижодкор шахсга айлантиради.

Интуитивлик концепцияси, универсал ижодий қобилияят сифатида Ж.Гилфорднинг бир қатор шу мавзуга бағишлиланган ишлари нашр этилганда машҳур бўлиб кетди. Мазкур концепция асоси сифатида куб шаклидаги интеллект тузилмаси модели хизмат қилди: материал X оператсия X натижалар—SOI (structure of the intellect). Ана шу ишларида у тафаккур оператсияларнинг икки тури: конвергенция ва дивергенция ўртасидаги фарқни кўрсатади. Конвергент тафаккур ижодий топшириқни бажараётган инсонга, кўплаб вазиятлар ичидан биргина тўғри ечимни топишига ердам беради. Шу маънода, Ж. Гильфорд конвергент тафаккур қобилиятини интеллектга қиёслаган, у тезкор IQ тестлари ёрдамида аниқланган[17;49].

Дивергент тафаккур деганда, у турли йўналишларда ишлайдиган, йўналишлар ўзгаришини истисно қилмайдиган, муаммоларни ечишнинг кутилмаган хулоса ва натижаларга олиб келувчи тафаккур турини тушунишни таклиф қилган.

Шундан келиб чиқиб, Гилфорд интуитивликнинг олти мезони ажратиб кўрсатади:

- муаммони аниқлаш ва постановка қилиш қобилияти;
- кўплаб ғояларни генератсия қилиш қобилияти;
- турлича ғояларни ишлаб чиқиш қобилияти;
- бузғунчиларга ностандарт тарзда жавоб бера олиш қобилияти;
- обьектни, деталларни қўшиб такомиллаштириш қобилияти;
- муаммоларни ҳал қилиш қобилияти, яъни анализ ва синтез қила олиш қобилияти.

## ХУЛОСА (Conclusion)

Шундай қилиб, Гильфорд дивергенция оператсиясини қайта ўзgartириш ва импликатсия оператсиялари билан интуитивликнинг асоси, инсоннинг умумий ижодий қобилияти сифатида таъкидлайди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Guilford, J. P. (1967), "Joy Paul Guilford.", A history of psychology in autobiography, Vol V, Appleton-Century-Crofts, pp. 167–191.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, ижодий тафаккур, тасаввур, қизиқувчанлик ривожининг паст даражаси мазкур ички ишлар тизими таълим тизими шахсга унинг маданиятига нисбатан ахборотлаштириш, ҳиссий-эмоционал томонига нисбатан ратсіонал жиҳати устуверлиги сақланиб қолинаётгандыктынан далолат беради. Яъни бу таълим тизими доирасидаги фаолият асосан ички ишлар ходимлариға билим узатишга йўналтирилганлигини, таълим жараёнининг ўзи эса дидактоцентрик технологияга асосланганлигини ва унда ўқитувчи ва ички ишлар ходимлари ўртасида субъект-субъектли муносабатлар ҳукмронлигини кўрсатади. Шу нуқтаи-назардан, ўқитувчи дарсга қанчалик мукаммал тайёргарлик кўрмасин, унинг тактикаси ва қўллаётган методикаси ички ишлар ходимларини янги поғонага олиб чиқишига хизмат қилмайди, зеро анъанавий таълим технологиялар асосида авторитар педагогика асослари ва талаблари жорий қилинган бўлиб, индивидуал ва ижодий қобилиятларни намоён қилишга шароит яратилмаган. Интуитив-педагогик адабиётлар таҳлили кўрсатишича, ички ишлар ходимларида ижодий қобилиятлар мақсадли таълими ўқув жараёнида ижодий муҳит яратилишини таъминлайдиган таълим мақсадга мувофиқ бўлади. Бу аввало ўқув фаолиятининг тадқиқий характери билан белгиланади, амалий масалаларни мустақил ечишга, таълим ташкилий жиҳатларига танқидий ёндашувни қўллашга тўғри келади, бу ўз навбатида ички ишлар ходимларининг регламентларштирилган кун тартибининг самарали бўлишини таъминлайди.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Андреев В.И. Саморазвитие творческой конкурентоспособной личности менеджера. - Казань: СКАМ, 1992. – 207с.
2. Богоявленская Д.Б. Интеллектуальная активность как проблема творчества. — Ростов -на-Дону: Изд-во Ростовского ун-та, 1983. — 172 с.
3. Фалсафа энциклопедик лугат / ЎзР ФА, И.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010. –Б 59
4. Грибанов С.В. Интуиция в гуманитарном познании: диссертация ... кандидата философских наук. - Нижний Новгород, 2003. - 187 с
5. Guilford, J.P. (1982). Cognitive psychology's ambiguities: Some suggested remedies. Psychological Review, 89, 48–59.
6. Guilford, J. P. (1967), "Joy Paul Guilford.", A history of psychology in autobiography, Vol V, Appleton-Century-Crofts, pp. 167–191.

7. Пономарев Я. Психология творения. Избранные психологические труды. - М – Воронеж.: Московский психолого-социальный институт, МОДЭК, 1999. - 480 с
8. Матюшкин А.М. Мысление, обучение, творчество. - М.-Воронеж.: Модэк, 2003. - 718 с.
9. Лук А.Н. Психология творчества / А. Н. Лук; [отв. ред. В. А. Лекторский]. - М.: Наука, 1978. - 127 с.
10. Коршунов А.М., Мантатов В.В. Диалектика социального познания. - М.: Политиздат 1988. - 383 с.
11. Туник Е.Е. Диагностика креативности: Тест Торренса Е. Адаптированный вариант: Руководство. Стимульный материал. Коробка. - СПб.: Речь, 2006. – 176 с.
12. Клевцова В.Л. Формирование творческих способностей младших школьников в условиях развивающей среды: Дис. ... канд. пед. наук. Саратов, 2000. - 168 с.
13. Тейлор К. Основы делопроизводства в современном бизнесе. : Пер. с англ. -- М.: Сол Систем, Финансы и статистика, 1997. - 172 с.
14. Матейко А. Условия творческого труда. – М.: Мир, 1970. – 300 с
15. Маслоу А.Г. Мотивация и личность. Пер. с англ. - С-Пб.: Евразия. 1999. – 478 с.
16. Safarov, M.K. (2023). Abu bakr ar-Roziyning “Tibbi Ruhoniy (Ruh tibbiyoti) asarida gazabni va insonning o‘z kamchilliklarini bartaraf qilish haqida mulohazalar. Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari, 2(3), 214-219.
17. Safarov.M.K.(2023). Ar-Roziyning falsafiy nazariyalari va ular haqida mulohazalar. Falsafa va huquq,24(4).-B.183-186.
18. Ш.Мирзиёев. Хавфсизлик кенгаши мажлисидаги “Ички ишлар тизими – мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг мустаҳкам кафолатидир” мавзусидаги нутқи. //—Халқ сўзи газетаси. 2018 йил, №3.
19. Багдасарян Л.Ш. Интуиция в системе когнитивной деятельности: автореферат дис. ... кандидата философских наук. - Нальчик, 2010. - 25 с.
20. Қаххорова Ш.Глобал маънавият – глобаллашувнинг ғоявий асоси. “ТАФАККУР” нашриёти – Т.: 2009. Б 12.